

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНОВА ЭЛЬВИРА УМАРЖОНОВНА

**КИММЕРЛЕ АНОМАЛИЯСИ БИЛАН ВЕРТЕБРОБАЗИЛАР
ЗОНАСИДА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ БУЗИЛИШИНИ
ТАШХИСЛАШДА ЗАМОНАВИЙ НУРЛИ ТЕКШИРИШ
УСУЛЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Янова Эльвира Умаржоновна

Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишининг бузилишини таххислашда замонавий нурли текшириш усулларининг имкониятларини баҳолаш..... 3

Янова Эльвира Умаржоновна

Оценка возможностей современных лучевых методов исследования в диагностике нарушений кровообращения в вертебробазиллярной зоне при аномалии Киммерле..... 29

Yanova Elvira Umarjonovna

Evaluation of the possibilities of modern radiological research methods in the diagnosis of circulatory disorders in the vertebrobasilar zone in Kimmerle's anomaly..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНОВА ЭЛЬВИРА УМАРЖОНОВНА

**КИММЕРЛЕ АНОМАЛИЯСИ БИЛАН ВЕРТЕБРОБАЗИЛАР
ЗОНАСИДА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ БУЗИЛИШИНИ
ТАШХИСЛАШДА ЗАМОНАВИЙ НУРЛИ ТЕКШИРИШ
УСУЛЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1433 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мардиева Гульшод Маматмуродовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Фозилов Ақром Акмалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Умида Мухтаровна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «8» сентябр куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил « __ » _____ куни тарқатилди.

(2022 йил « __ » _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда вертебробазилар бўлим алоҳида ҳолатни эгаллайди, чунки бошни айлантиришнинг 50%дан катта амплитудаси умуртқа артериясининг энг нозик йўли жойлашган алантоаксиал бўғимда содир бўлади, ушбу сатҳда айланма ҳаракатлар чоғида унинг босилиши ва чўзилиши рўй беради. Мазкур ҳаракатларни чегаралаш вертебробазилар етишмовчиликнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Ушбу патологиянинг энг катта улуши ёш ва ўрта ёшдаги кишиларда кузатилади ва 47,8%ни ташкил этади¹. Умуртқа артериясининг остеофитлар, диск чурралари ва бўйиннинг спазмга учраган мушаклари томонидан босилиши натижасида кузатиладиган ташқи компрессияси умуртқа артерияси синдромини келтириб чиқаради. Умуртқа артерияси учун, гумбазли тешик сингари V3 сегментининг қисилиши туфайли томир ҳаракати учун кўшимча тарзда чекланишларни вужудга келтиради ҳамда ушбу ҳолат унинг жароҳатига олиб келиши мумкин. Ушбу муаммо цереброваскуляр бузилишларнинг оғир ва тез-тез учрайдиган вариантлари бўлиб, иқтисодий ривожланган мамлакатларида аҳолининг ўлим сабабларини таҳлил этиш жараёнида аниқланишича, қон айланиши тизимининг касалликлари биринчи ўринни эгаллайди ва барча ҳолатларнинг 45,6%ини ташкил этади. Киммерли аномалиясининг клиник аҳамияти умуртқа артериялари ва симпатик асабнинг анатомио-физиологик жиҳатдан ўзаро алоқаси билан боғлиқ бўлиб, умуртқа артерияси синдромининг намоён бўлиши вегетатив-ирритатив периваскуляр симпатик ва ишемик механизмлар сабабли катта мияга артериал қон кам даражада бориши оқибатида кузатилади. Шу сабабли киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишнинг бузилишини ташхислашда замонавий нурли текшириш усулларнинг имкониятларни баҳолаш замонавий клиник радиологиянинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишнинг бузилишини ташхислашда замонавий нурли текшириш усулларнинг имкониятларни баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, суяк ҳалқасининг туплари ва жойлашиш вариантларини, шунингдек, Киммерле аномалияларини визуализациянинг рентгенологик ташхисоти, Киммерле аномалияси мавжуд бўлган беморларнинг умуртқа артерияларида қон оқимининг тезлиги ўзгаришининг табиатини транскраниал доплерографияда, магнит резонансли ангиография усулида Киммерле аномалиясининг вертебрал-базилар ҳавзадаги томирларнинг ангиодисплазия вариантлари билан мувофиқлигини, киммерле аномалиясида морфометрик параметрлар билан умуртқа артериясидаги гемодинамика ўзгаришларининг ўзаро алоқасини белгилаш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

¹ Луцик А. А. и др. Вертебробазиларная недостаточность, обусловленная костными аномалиями краниовертебрального перехода //Хирургия позвоночника. – 2016. – Т. 13. – №. 4

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, клиник ва инструментал тадқиқотларни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишнинг бузилишини натижасида юзага келадиган ўзгаришларни самарали ташхислаш, асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, киммерле аномалияси билан вертебробазилар соҳасида қон айланишнинг бузилишини ташхислашда замонавий нури текшириш усулларнинг имкониятларни ўрнини тиббиётда амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Краниовертебрал аномалиялар энса суяги, атлант ва аксис билан чегараланган турли хил патологик ҳолатлар натижасида юзага келувчи тузилма ва ҳосилаларнинг деформациясидан иборат. Краниовертебрал аномалияларнинг учраш ҳолатлари ҳақидаги адабиёт маълумотлари бир-бирига зид (Клочева Е. Г., 2009; Гуляев С.А., 2013; Abtahi A. M., 2014). Нейровизуализация янги усулларининг такомиллашиши краниовертебрал соҳа (КВС) аномалияларининг учраш ҳолатларини сезиларли даражада оширишга ҳамда уларни кам учрайдиган ҳолатлардан тез-тез учрайдиганлар даражасига ўтказишга имкон берди (Зозуля И. С., 2012; Лобзин С.В., 2014; Луцик А. А., 2016). Нейровизуализация, жарроҳлик

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

аралашуви ҳамда патологоанатомик текширувларнинг маълумотига кўра миянинг неврал тузилмалари компрессияси, шунингдек ликвородинамика бузилишлари қайд этилмаганида, асаб тизими шикастланишининг томирли механизмлари гумон қилинади. Экстравазал таъсир кўрсатувчи шундай механизмлардан бири атласнинг суякли кўприги ёки Киммерли аномалияси бўлиши мумкин.

Киммерли аномалияси (КА) клиник ва рентгенологик белгилар билан намоён бўлади. Клиник жиҳатдан мазкур ўзгариш бўйин умуртқалари остеохондрози билан ўхшаш симптомлар билан ифодаланиши мумкин, булар - бўйин соҳасидаги оғрик, краниалгия, бош айланиши, кулоқларда шовқиннинг бўлиши. Умуртқа артериялари классик тарзда рентгенография қилинганда дифференциация қилинмайди ҳамда уларда қон оқимининг ўзгариши ҳақида билвосита белгилар бўйича ҳукм қилиш мумкин, масалан, Киммерли аномалиясида суяк ҳалқаси аниқланадиган рентгенологик усуллари унинг турлари ва диаметри бўйича, қон оқимининг эҳтимолий пасайиши ҳақида билвосита далолат қилади. Мазкур ўзгариш умуртқа артериясининг компрессион-стенозловчи синдромнинг ривожланишига олиб келиши, қайсики, ўз навбатида, вертебробазилар қон айланишининг бузилишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги баёнотлар мавжуд (Алексеева Н.Т., 2013). Маълумки, томирларда стенозловчи жараёнларнинг ифодаланганлиги мияда қон айланиши бузилишининг учраш ҳоллари билан ҳар доим ҳам бевосита боғлиқ бўлмайди, чунки кўпгина ҳолларда у церебрал гемодинамикада компенсатор механизмларнинг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Умуртқа артериясининг 3-чи ва 4-чи сегментларида (V3, V4) қон оқимини ультратовушли текширувида маълум бир қийинчиликлар мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат уларнинг калла асоси яқинида жойлашганлиги билан боғлиқ. Киммерли аномалиясида суякли тузилмаларнинг ўзгаришлари компьютерли томографияда, айниқса 3D реконструкцияда яхши акс этади, шунинг учун ушбу усул биринчи бўйин умуртқаси суякли кўпригини кўздан кечиришда афзал усул бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Киммерли аномалияси ҳамда ушбу аномалия мавжуд бўлганда қон айланишининг нурли ташхисотини самарали баҳолаш тартиби белгиланмаган.

Ўзбекистонда вертебробазилар ҳавзада қон айланишининг бузилишини ўрганиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда (Маджидова Е.Н., 2019), бўйин қисми томирларини ультратовуш усулида баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган, аммо у краниовертебрал бўлимнинг томирларидаги қон оқимини баҳолаш учун етарли эмас, сабаби унга кириб бориш ва кўриш, айниқса, биринчи бўйин умуртқаси суякли кўприги кўринишидаги тўсиқ мавжуд бўлганда қийинчилик туғдиради.

Мультимодал кузатишлар мазкур масаланинг истиқболли ечими бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда ультратовушли текширув рентгенологик текширишларни тўлдириш билан ташхисни аниқлаштиришда кўшимча ускуна сифатида қўлланилади. Бироқ мазкур йўналиш тадқиқотларни талаб этади, чунки КАда кузатиладиган қон айланишининг бузилиши ташхисотида нур

орқали визуализация қилиш турларини комплексли тарзда қўллашнинг аҳамиятини умумла

штириб баҳолаш бўйича ўтказилган илмий ишлар деярли йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишининг бузилишини ташхислашда замонавий нурли текшириш усулларининг имкониятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суяк ҳалқасининг типлари ва жойлашиш вариантларини, шунингдек Киммерли аномалияларини визуализациянинг рентгенологик усуллари ёрдамида баҳолаш;

Киммерле аномалияси мавжуд бўлган беморларнинг умуртқа артерияларида қон оқимининг тезлиги ўзгаришининг табиатини транскраниал доплерография воситасида баҳолаш;

магнит резонансли ангиография усулида Киммерле аномалиясининг вертебрал-базилар ҳавзадаги томирларнинг ангиодисплазия вариантлари билан мувофиқлигини баҳолаш;

Киммерле аномалиясида морфометрик параметрлар билан умуртқа артериясидаги гемодинамика ўзгаришларининг ўзаро алоқасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида краниовертебрал бўлимида рентгенологик текшириш усуллари (рентгенография, МСКТ) орқали Киммерле аномалияси аниқланган 110 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Киммерле аномалияси мавжуд бўлган беморларда ўтказилган клиник, ионлаштирувчи (рентгенография, МСКТ) ва ионлаштирмайдиган нурли текшириш усулларининг (ТКДГ, МРА) натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишнинг бузилишини ташхислашда замонавий нурли текшириш усулларнинг имкониятларни баҳолашда, клиник, нурли (рентгенография, МСКТ, ТКДГ, МРА) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Киммерле аномалиясини аниқлаш учун скрининг усули сифатида классик рентгенография, унинг тури ва вариантларини тавсифларини аниқлаштириш учун эса мультиспирал компьютерли томографиянинг аҳамияти исботланган;

мультиспирал компьютерли томографик текширувида 2 томонлама Киммерле аномалиясида суякли кўприкчанинг ёпиқ шакллари, 1 томонлама аномалияда эса чап томондаги жойлашуви кўпроқ учраши исботланган;

Киммерле аномалиясида вертебробазилар ҳавза томирлари гемодинамикасини баҳолашда, атлантнинг суякли ҳалқаси ёпиқ бўлган вариантда умуртқа артериясида қон оқимининг тезлиги ифодаланган

даражада, ярим ёпиқ вариантда эса ўртача ифодаланган даражада пасайиши туфайли транскраниал доплерографиянинг аҳамияти асосланган;

Киммерле аномалиясининг дисангиогенез ташхисотида мавжуд бўлган магистрал артериялар ва катта мия артериал доираси тузилишининг кўп учрайдиган вариантларини баҳолашда магнит резонансли ангиографиянинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Киммерле аномалияси мавжуд бўлган беморларда кузатиладиган умуртқа артерияси синдромида қатор ҳолатларда асоратларга олиб келувчи инвазив текширишларни қўлламасдан томирларни визуализация қилиш имконини берувчи замонавий ташхисот усуллари аниқланган ва таҳлил этилган.

Киммерле аномалияси мавжуд бўлган беморлар миясидаги томирлар тизимининг тузилиш хусусиятларини объективлаштириш учун нейровизуализацион усуллардан фойдаланиш зарурияти кўрсатилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари Киммерле аномалияси қайд этилган беморларда клиник декомпенсация сабабларини аниқлаштиришда ўрни баҳоланган;

ТҚДГ ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган ва қон оқимининг патологик нақшлари ҳамда катта асимметриялар аниқланганда мазкур тадқиқотнинг бажарилиш зарурияти кўрсатилган;

Киммерле аномалияси мавжуд бўлган беморларнинг краниовертебрал зонасида умуртқа артерияларининг ўтказилган мажмуавий нурли текшируви аксарият ҳолларда босувчи таъсирни аниқламади, гарчи қон оқимининг секинлашуви қайд этилган бўлиб, у, афтидан, рефлексоген стенозловчи таъсир билан боғлиқли очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, магнит резонанс, компьютер томографик ва статистик усулларига асосланганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, киммерле аномалияси билан вертебробазиялр зонасида қон айланишнинг бузилишини ташхислашда замонавий нурли текшириш усулларнинг имкониятларни баҳолаш халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар радиология, ангиология, мануал даволаш, вертебродологиянинг замонавий ютуқларига, хусусан, умуртқа поғонаси бўйин қисмининг рентгенографиясига қўшимча равишда мультиспирал компьютерли томография ва транскраниал доплерографиядан фойдаланиш орқали краниовертебрал бўлим патологиясининг нурли ташхисотига катта ҳисса қўшади, бурилиш синамаларида ТҚДГни баҳолашни тадбиқ этиш ёрдамида томирлардаги эрта гемодинамик ўзгаришларни қайд этиш имкони аниқланган. Мазкур

функционал синама қизиқтираётган зонани визуализация қилишнинг қийинлиги ёки имкони йўқлигида тавсия этилишининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган ташхисотли алгоритм Киммерле аномалияси ташхисотининг самарадорлигини яхшилайти ва унинг натижасида даволаш тактикасини мақбуллаштириш ҳамда мутахассисни танлашга имкон яратади, бундан ташқари, Киммерле аномалиясининг визуализацион ва гемодинамик белгилари изоҳланган.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиши. Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишининг бузилишини замонавий нурли текшириш усулларининг ўрнини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

киммерле аномалияси билан вертебробазилар соҳада қон айланишининг бузилишини замонавий нурли текшириш натижасида олинган илмий натижалар асосида «Вертебробазилар зонадаги томирларнинг ультратовушли ташхисот усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабр 8-н/з680-сон маълумотномаси). Натижада рангли дуплексли сканерлаш асосида патологик ўзгаришларнинг бутун доирасини, кўз билан илғаб бўлмайдиган артериал деворнинг эластик хусусиятларининг пасайиши ва эрта атеросклеротик ўзгаришлардан тортиб, томирларнинг окклюзион зарарланишигача бўлган ўзгаришларни самарали ташхислаш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишининг бузилишини замонавий нурли текшириш усулларининг ўрнини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят кўп тармоқли маркази ҳамда «AZIYA MEDIK NEO» маъсулияти чекланган жамиятининг клиник-ташхислаш марказининг нурли ташхисот бўлими клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8-н/з 250-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши вертебробазилар соҳадаги қон айланишининг бузилиши ташхисотида нурли текшириш усулларининг босқичларини асослаш, вертебробазилар зонадаги қон айланиши бузилишининг ультратовушли текширувини мақбуллаштиришга ва у билан боғлиқ бўлган асоратлар сонини камайтириш, вертебробазилар соҳадаги томирларни ультратовушли ташхисотини яхшилаш, вертебробазилар соҳадаги томирларнинг ташхисот сифати яхшилаш, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланишининг бузилишини замонавий нурли текшириш ўрнини баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг шарҳи келтирилган бўлиб, киммерле аномалияси билан вертебробазилар соҳадаги қон айланишининг бузилишини замонавий нурли текшириш ўрнини баҳолаш, содир бўлдаган ўзгаришларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тактикасини танлашда муаллифлик ёндошуви танланган.

Диссертациянинг **«Киммерле аномалияси билан вертебробазилар соҳада қон айланишининг бузилишини замонавий нурли текшириш усулларининг ўрнини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва усулларига бағишланган. 2019-2021 йилларда СамДТУ 1-сон клиникаси рентген-радиология бўлимида текширилган 620 нафар беморнинг рентгенография маълумотлари таҳлил этилди. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ равишда, Киммерле аномалияси билан вертебробазилар зонасида қон айланиши бузилишининг комплексли нурли ташхисоти ўтказилди ҳамда илгари ташхис қўйилган 110 нафар бемор аниқланди. Киммерле аномалияси бўлган беморлар орасидан келтирилган текширишларни тасодифий тартибда ўтган 50 киши назорат гуруҳини ташкил этди. Краниовертебрал соҳасига эътибор қаратилиб асосий гуруҳни ташкил этган қолган 60 бемор ўз навбатида рентгенография, компьютер томографияси, транскраниал доплерография ва магнит-резонанс ангиографиядан ўтди.

1-жадвал

Киммерли аномалияси мавжуд текширилган беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимланиши

Гурух	Ёши	Жинси	
		эркаклар	аёллар
болалар	18 ёшгача	4	1
Ёшлар	18-44 ёш	30	31
ўрта ёшлилар	45-59 ёш	14	15
кекса ёшлилар	60-74 ёш	4	7
қарилар	75-89 ёш	2	2
Жами:		54	56

Беморларда клиник-рентгенологик, КТ, УТТ, МРА текширувлар комплекси ўтказилди. Беморларнинг жинсга оид тақсимланишида 54 нафарни эркаклар (49,1%), 56 нафарни аёллар (50,9%) ташкил этди. Бундан ташқари назорат гуруҳини ташкил этган 20 нафар кўнгиллилар ТКДГ усулида текширилди.

Биз текширган беморларнинг ёши 12 ёшдан 85 ёшга қадар бўлган. Эркакларнинг ўртача ёши $41,22 \pm 17,29$ ёшни, аёлларнинг ўртача ёши эса $42,36 \pm 15,75$ ёшни ташкил этди. БЖССТнинг ёшга оид таснифи ва жинсга мувофиқ равишда, барча Киммерли аномалияси аниқланган беморлар гуруҳларга ажратилган ҳамда 1-жадвалда келтирилган, ундан кўришиб турибдики, беморларнинг аксарият улушини ёшлар ташкил этган.

Беморларнинг жинс ва ёшга оид тақсимланишини таҳлил этиб шуни қайд этиш мумкинки, барча ёшдаги гуруҳларда жинс устунлиги деярли кузатилмаган, мазкур ҳолат бошқа адабиёт манбаларда ҳам эътироф этилган (Ríos L., 2017). Келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, Киммерли аномалиясининг учраш ҳолати 17,7% бўлиб, ҳам эркаклар, ҳам аёлларда деярли бир хилда қайд этилган.

Текширилган беморларда клиник симптомлар турлича бўлган: бош оғриши, бош айланиши, қулоқларда шовқин, эшитиш ва кўришнинг ўтиб кетувчи бузилишлари, чарчаш, уйқунинг бузилиши, каловланиб юриш, йиқилиб кетиш хуружлари, ваҳима ҳужумлари, безовталиқ ёки астма, кўлларнинг уюшиши ва талвасалар. Шуни қайд этиш жоизки, адабиёт маълумотларига кўра, ҳаттоки озгина суякли кўприкнинг, яъни атлантнинг юқори юзасида нотўлиқ ёйсимон тешикнинг (ponticulus posticus) мавжудлиги клиник жиҳатдан ҳам, рентгенологик маълумотлар нуқтаи назаридан ҳам Киммерли аномалияси билан кескин типдаги сурункали бош айланиши ва эшитишнинг нейросенсор типда йўқолиши орасида эхтимолий алоқанинг борлиги ҳақида далолат беради.

2-жадвал

Текширилган беморларнинг асосий шикоятлари

	Шикоятлари	Беморлар сони	
		Мутлоқ	%

1	бўйин соҳасида оғриқ	58	52,7
2	энса соҳасида оғриқ	90	81,8
3	бош айланиши	62	56,4
4	эшитишнинг пасайиши	24	21,8
5	қулоқларда шовқин	15	13,6
6	хотиранинг пасайиши	42	38,2
7	фотопсия ва кўз олди коронғилашуви	30	27,3
8	қисқа вақтли ҳушдан кетиш	3	2,7

Вертебробазилар етишмовчиликдан азият чекувчи КАли беморларнинг бир қисмида (27,3%) кўришнинг турли бузилишлари: кўз олдида чивинларнинг милтиллаши, камалак доираларининг пайдо бўлиши, ёрқин нуқталарнинг йилтираши қайд этилган (2-жадвал). Уларда фотопсия танани олдинга эгганда, бошни орқага ташлаганда, тана ҳолатини горизонталдан вертикалга кескин ўзгартирганда кучайган. Баъзи беморларда (38,2%) тез чарчаш, умумий дармонсизлик, эрталаб уйқучанлик ва тунги уйқунинг бузилиши (тез-тез уйғониш, унинг ортидан узоқ давом этувчи уйқусизлик даври), эътиборнинг ва меҳнатга лаёқатлилиқнинг пасайиши кузатилган.

Шифокорга мурожаат этганда КАли беморларнинг асосий шикоятлари ўртача жадалликдаги, парчаловчи табиатга эга, кўпинча кўз олмаларига, асосан пешона-тепа соҳаларига узатилувчи, бошда оғирлик сезгиси билан кечувчи бош оғриши бўлган; 92,7% беморлар бош оғриғини асосан уйқудан кейин пайдо бўлишини қайд этишган. Аксарият, 68 нафар (61,8%) бемор бош оғриғи ҳар куни бўлганини таъкидлашган, унинг кучайиши ўтирган ҳолатда давомли статик юклама (компьютерда ва столда ҳужжатлар билан бажариладиган катта иш ҳажми), жисмоний юклама, йўтал билан боғлиқ бўлган.

Киммерли аномалияси ташхисот этилгач, юқорида кўрсатиб ўтилган симптомлар айнан ўрганилаётган аномалияли беморларда кучлироқ ифодаланган ва айниқса бошни бурганда кучайган. Беморларнинг шикоятлари кўпинча (15,5%) бошнинг ҳолати (буриш ёки ён томонга эгиш) билан боғлиқ бўлган. Юқорида баён этилган шикоятларнинг пайдо бўлиши ёки кучайишида умуртқа поғонаси бўйин қисмининг динамик ёки статик юкламаларининг алоқаси бўлган.

Умуртқа поғонаси бўйин қисмининг кўп аниқланадиган рентгенологик ўзгаришлари ва клиник кўринишлари Киммерли аномалияси билан кескин типдаги сурункали бош айланишининг юзага келиши орасида эҳтимолий алоқанинг бўлиши ҳақидаги фикрни уйғотади.

Адабиёт маълумотларига кўра, икки томонлама КА кўпинча клиник симптомлар билан намоён бўлади (Chitroda P. K., 2013; Ríos L., 2017). Қайд этилишича, ўткир бош оғриғининг мавжудлиги ва кузатилмаслиги орасидаги нисбат икки томонлама КАли шахсларда КА қайд этилмаган шахсларга

караганда бир неча баробар кўпроқ кузатилган ҳамда жинсга сезиларли даражада боғлиқ бўлмаган (Ríos L., 2017).

Бизнинг тадқиқотимизда беморларнинг бундай танлови учун рентгенологик усуллар билан аномалияларнинг типлари, атлантнинг ўнг ва чап гумбазли тешигининг майдонлари; атлант тешигининг олд-орқа ва вертикал ўлчамлари, шунингдек ўнг томон учун ҳам, чап томон учун ҳам суякли кўприкнинг қалинлиги аниқланган. ТКДГ усулида ротацион синамадан олдин ва кейин ўнг ва чап томонлар учун умуртқа артериялари V3, V4 сегментларининг қон оқими ўрганилган. МР-ангиография краниовертебрал соҳа томирларининг морфологияси ҳақида маълумот берган.


Умуртқа поғонаси бўйин қисмининг рентгенографияси ҳамма беморларга (100%) СамДТУ 1-сон клиникаси рентген-радиология бўлимида HF-51-5 (ХХРда ишлаб чиқарилган) аппаратида амалга оширилган. Қуйидаги техник шароитларга риоя қилинди: найчада кучланиш - 95-115 кВ, ток кучлари - 100-150 мА, экспозиция вақти – 0,2-0,4 с. Умуртқа поғонаси бўйин қисмининг рентгенографиясини ўтказишда нур юкласи 0,5 мЗв ни ташкил этган.

Краниовертебрал ўтиш жойларининг тасвири тўғри проекцияда ҳамма вақт ҳам тузилмалар қатлами туфайли атлантнинг суякли кўприклари ҳақида аниқ тасаввурни бермайди, шунинг учун ташхисот ва таққослаш учун текширилаётган тасвирлар асосан ён проекцияларда амалга оширилган.

Атлантнинг ён томонлари ён проекциялардаги тасвирларда яхши кўринган, аммо ён бўлимларининг қатламланиши содир бўлган ва суякли кўприкчанинги жойлашган жойини (чапдан, ўнгдан ёки икки томондан) аниқлашнинг имкони бўлмаган, чунки рентген нурлари ушбу проекцияда атлантнинг иккла равоғини кесиб ўтади ва сояларнинг йиғилиб қолиши рўй беради. Тадқиқотнинг мазкур усулини ортикча баҳолаб бўлмайди, чунки у атлантнинг ўзгаришларини тўлиқ тавсифлаб бера олмас-да, КАнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлай олади. Катта бўлмаган нурли юкламани ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, у скринингли текширув сифатида жуда фойдали бўлади.

Рентгенография пайтида атлант равоқлари устида ёпиқ ёки очик суяк ҳалқасининг мавжудлигига, суяк кўпригининг қалинлигига, КАнинг бир ёки икки томонида тасвирланишига эътибор берилди. Буйин ўмуртқа ўзгаришлари ҳам баҳоланди.

Мультисексимли спирал компьютерли томография (МСКТ) 128-кесимли “Optima CT540” компьютерли томографда бажарилган (GE). Сканерлаш параметрлари қуйидагича бўлган: найдаги ток кучи ёш, тана вазни ва кесимлар сонига қараб 119 мА дан 249 мА гача бўлган, кучланиш – 120 кВ, найчанинги айланиш тезлиги – 1.0 с, ҳаракат тезлиги – 0,85, кесим қалинлиги 1.25 мм. МСКТда сканерлашнинг ўрнатилган тартибидаги нурли юклама 2 мЗв ни ташкил этган. Постпроцессингли таҳлил биринчи бўйин умуртқаси суякли элементларини аниқроқ кўриш учун аксиал, сагиттал-қийшиқ тасвирларни олиш билан мультипланар реконструкцияни, шунингдек ҳажмли уч ўлчовли 3D реконструкцияни ўзида мужассам этган (1-расм).



1-расм. Бемор М. 16 ёш. Компьютерли томография 3D-реконструкция билан.Краниовертебрал бирикма: А) Киммерленинг орқа тўлик ҳалқаси чап томонда, Б) нотўлик ҳалқаси ўнг томонда.

МСКТ усулида аномалияларнинг типлари, атлантнинг ўнг ва чап гумбазли тешигининг майдонлари, атлант тешигининг олд-орқа ва вертикал ўлчамлари, шунингдек ўнг томон учун ҳам, чап томон учун ҳам суякли кўприкчанинг қалинлиги аниқланган.

Церебрал гемодинамика ҳолати 620 беморларда СамДТУ 1-сон клиникаси неврология бўлимида невропатолог назорати остида транскраниал доплерография натижалари бўйича баҳоланган. Транскраниал доплерография (ТКДГ) церебрал гемодинамика учун экстракраниал зарарланишнинг гемодинамик аҳамиятини, интракраниал артериялар тонусини, томирли дисциркуляциянинг ифодаланганлигини, цереброваскуляр реактивлик ва коллатерал қон айланишнинг заҳираларини, мияда артериал қон айланишининг ҳолатини баҳолашга имкон беради.

Транскраниал рангли дуплексли сканерлаш усулида умуртқа артериясининг субокципитал ва интракраниал сегментларида қон оқимининг кўрсаткичлари баҳоланган. УАнинг текшируви трансокципитал киришда (ўрта ва парамедианали) частоталар кўлами 2–8 МГц бўлган, секторли конвергент сканерлаш учун мўлжалланган датчикдан фойдаланган ҳолда Edan Instruments (Edan Instruments Inc., Хитой) ультратовушли тизимида амалга оширилган. Умуртқа артериясининг субокципитал сегменти (V3) умуртқа артерияларининг ёйсимон кесимида, уларнинг бевосита калла суягига киришидан олдин, интракраниал сегмент (V4) эса – дистал кесимларда, УАнинг асосий артерияга қўшилишидан олдин баҳоланган.

Умуртқа артериясида қон оқимининг кўрсаткичлари беморнинг юзини пастга қилиб ётган ҳолатида, кейин бошини максимал даражада ўнгга ва чапга бурганида баҳоланган. Ёзиб олинган доплерограмма бўйича қон оқимининг сифатий ва миқдорий тавсифлари маълум меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилган ҳолда баҳоланган.

Сифатий кўрсаткичларни баҳолаш учун доплерограмманинг эгилувчи шакли, спектрнинг табиати, қон оқимининг йўналиши, доплерли сигналнинг овозли тавсифлари кўриб чиқилган. Доплерограмманинг миқдорий таҳлили бевосита белгиланган параметрларга ҳамда уларнинг асосида ҳисобланган индексларга асосланган.

Баҳоланадиган параметрларнинг асосий гуруҳи: қон оқимининг систолик тезлиги V_{max} ; қон оқимининг диастолик тезлиги V_{min} ; циклда қон оқими тезлигининг ўртача қийматини акс эттирувчи юрак циклида қон оқимининг ўртача тезлиги V_{mean} (см/с).

Цереброваскуляр реактивликнинг кўрсаткичлари (КР) тинч ҳолатда ҳамда айланма синамаларни бажариш жараёнида аниқланган ва кўриб чиқилган.

Пурсело индекси (RI) сингари индекслар ўлчаш жойининг пастида қон оқимиға қаршилиқни тавсифлайди, пульсацион индекс (PI) артерияларнинг қайишқоқ эластик хусусиятларига тавсиф беради ва ёш ўтиши билан пасаяди.

Функционал синамалар сифатида айланма синамалардан фойдаланилган. Функционал синамаларнинг натижалари бўйича реактивлик коэффицентлари (РК) ҳисобланган.

Магнит майдонининг индукцияси 1,5 Тесла бўлган, 3D TOF (вакти – оралиқ қолдирилган ангиография) кетма-кетликда “SIEMENS MAGNETOM ESSENZA Tim+DOT” томографида контрастсиз магнит-резонансли ангиография (МРА) КАли барча беморларға бажарилди. Артерияларнинг калибри, йўналишининг ва тармоқдан чиқишининг тўғрилиги аниқланган. Қоннинг ички уйқу артериялари ҳавзасидан вертебрал-базилар ҳавзаға оқишининг белгиларига, каротид ва вертебрал-базилар тизимларни боғловчи артерияларнинг тузилишидаги аномалияларға алоҳида эътибор қаратилган. Бўйин томирларини визуализация қилиш учун МРА қўлланилган бўлиб, у атрофдаги (ҳаракатсиз) тўқималардан чиқаётган сигнални бир вақтда ютиш орқали қон оқими сигналини кучайтиришға мўлжалланган. Реконструкция учун 3D усулидан фойдаланилган бўлиб, унинг ёрдамида барча текширилаётган ҳажмлар ҳақида бир вақтда маълумот олиш имконига эға бўлиш мумкин. МР-баённомалар учун стандарт бўлган МIP дастури (МР-сигналнинг максимал жадаллиги бўйича проекцияларнинг тикланиши) ёрдамида исталган текисликда уч ўлчамли тасвирлар реконструкция қилинган.

МРТ усулини юқори маълумот берувчи тан олинган ташхисотли стандартни қўллаш сифатида танлаш нурли текшириш усулларининг барча маълумотларини комплексли баҳолаш ва таққослашға имкон беради. МРАнинг камчиликларига турли артефактлар туфайли қон оқимидан сигналнинг “тушиб қолиши”, турбулентлик, томирлар калибрининг кичиклиги, қон оқимининг секинлигини киритиш мумкин, улар натижаларни талқин қилишни анчагина қийинлаштиради.

Бош мия томирларининг МР ангиографияси кранивертебрал зонани қамрови билан амалға оширилган. МР ангиограммаларнинг таҳлили уч текисликда ўтказилган. Қон томирлар йўналишининг тўғрилиги, деформация ва стенозларнинг мавжудлиги, қон оқимиға тўсқинликлар, мальформация ва

трифуркацияларга алоҳида эътибор қаратилган. Артерияларнинг диаметрлари баҳоланган, алоҳида сегментлар даражасида (асосан УАсининг V3, V4 сегментлари даражасида) УА гипоплазиясининг мавжудлиги аниқланган.

МР ангиография томирлар морфологияси ҳақида маълумот олиш имкониятини беради. МР ангиограммаларнинг таҳлилида миянинг барча артериялари, жумладан катта мия артериал доирасининг (унинг ёпиқлиги, бириккан артерияларнинг мавжудлиги) ҳолати баҳоланган. УАнинг мия устунини қон билан таъминланишидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилган. УАдан бири қарама-қарши томондаги УА билан бирикмасдан, миячанинг орқа пастки артерияси билан тугалланган ҳолатлар ҳам аниқланган. КА *foramen arcuale* да УАнинг компрессияси сабабчиси бўлиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар ҳисобга олиниб, атлантнинг орқа равоғи соҳасидаги артериянинг диаметри катта синчковлик билан баҳоланган.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили стандарт клиник ҳисоблаш тавсиялари асосида амалга оширилди. Беморларнинг клиник текшируви маълумотларини таҳлил қилиш Microsoft Exell office дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Шу билан бирга, ўрганилган кўрсаткичнинг арифметик ўртача қиймати (M), квадратик хато кўрсаткичи (m), ишонч даражаси (p) ва Стюдент мезони ҳисоблаб чиқилди. Ишонч даражаси $p < 0.05$ статистик аҳамиятга эга маълумотлар параметрлари сифатида ҳисобга олинган.


Амалдаги усулларнинг диагностик ишонччилигини таҳлил қилиш учун сезгирлик, ўзига хослик ва диагностика аниқлиги кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

Учинчи бобда бош ва бўйин соҳасида турли даражада ифодаланган оғрик сезгиларига шикоят қилишган 620 нафар беморнинг умуртқа поғонаси бўйин қисмининг рентгенография маълумотлари таҳлил этилган бўлиб, уларнинг орасидаги 110 нафар беморда биринчи бўйин умуртқасининг суякли кўприкчаси аниқланган. Умуртқа поғонаси бўйин қисми рентгенограммасининг таҳлилида кузатувларнинг аксарият ҳолатларида умуртқа таналарининг баландлиги сақланганлиги (98,2%), умуртқалараро ёриқнинг кенглиги торайганлиги кўринади (67,3%). Таналарнинг охириги пластинкалари 41 нафар (37,3%) беморда зичлашган, 69 нафар (62,7%) ҳолатда эса ўзгаришсиз бўлган. Умуртқа таналарида турли даражада ифодаланган остеофитлар фарқланган.

Краниовертебрал соҳа, хусусан C₀-C₁-C₂ даражаси анатомик мушак бирикмалари ва томирлар жойлашувининг хусусиятлари туфайли стратегик зона бўлиб ҳисобланади, шунинг учун рентгенологик жиҳатдан Киммерле аномалиясининг мавжудлиги ташхисот этилган барча текширилган беморлар 2 гуруҳга бўлинган:

I - гуруҳ – бир томонлама КАли беморлар;

II - гуруҳ – икки томонлама КАли беморлар (2-расм).



2-расм. Ён проекциядаги рентгенография. Краниовертебрал бўлим. А – бир томонлама орқа томондан очик бўлган Киммерли аномалияси. Б – икки томонлама орқа томондан ёпик бўлган Киммерли аномалияси.

Умуртқа поғонаси бўйин қисмидаги рентгенограммада Киммерле аномалиясини ишончли тарзда баҳолаш учун бошни эгган ҳолда ён томонлама рентгенограмма қилиниб, у Киммерле аномалиясининг томонини аниқлаш учун ҳам қўлланилган. Калла асосини оғизни очган ҳолда ўтказилган тўғри, орқа, олдинги рентгенограммалари латерал кўприкчанинг камдан кам учраши ҳамда мазкур проекцияларда уни визуализация қилишнинг қийинчилиги туфайли бажарилмаган.

Рентгенографик усулда аниқланган атлантнинг суякли кўприги 80 та ҳолатда кўприкнинг икки томонлама жойлашувини аниқлаган, 30 та ҳолатда С₁ нинг 1 томонлама суякли ҳалқаси қайд этилган, тўлиқ (ёпик), нотўлиқ (очик) турлари ажратилган.

Вертебробазилар соҳа қизиқиш зонаси билан умуртқа рентгенографияси ўтган асосий гуруҳ ва назорат гуруҳидаги беморларнинг бўйин умуртқалари рентгенограммаларини қиёсий таҳлил қилиш Киммерле аномалиясини аниқлашнинг юқори фоизини кўрсатди (жадвал 3). Шунингдек, Киммерле аномалияси бўлган беморларда асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан турли даражадаги дегенератив-дистрофик ўзгаришлар устун келди.

Бўйин ўмуртқа батафсил ўрганиш учун атлант ҳолатини референт усули сифатида аниқлаштириш билан барча беморлар (n=620) компьютер томографиясидан ўтдилар ва Киммерле аномалияси (n=110) бўлган беморлар аниқланди. Текширилган беморларда компьютерли томография усулида Киммерли аномалиясининг жойлашган томонлари, типлари ва вариантлари тафовут этилган.

3-жадвал

Киммерле аномалияси бўлган беморларнинг бўйни умуртқасида рентгенологик ўзгаришлар (n=110)

Атлантнинг суяк кўпригининг мавжудлиги	Асосий гуруҳ (n=60)	Назорат гуруҳи (n=50)
--	---------------------	-----------------------

	Абс.	%	Абс.	%
бор	53	88,3	37	74,0
ёпиқ	36	60,0	20	40,0
очиқ	22	36,7	12	24,0
2-томонлама	11	18,3	6	12,0

4-жадвал

Гуруҳлар кесимида С1даги суякли ҳалқанинг жойлашуви тақсимоти

№	Гуруҳ	1 томонлама КА				2 томонлама КА			
		тўлиқ		нотўлиқ		тўлиқ		нотўлиқ	
		Ўнг томонда н	Чап томон дан	Ўнг томонда н	Чап томонда н	Ўнг томонда н	Чап томон дан	Ўнг томондан	Чап томондан
1	1- томонлама тўлиқ (n=26)	8	18						
2	2- томонлама тўлиқ (n=40)					40	40		
3	1 томонлама нотўлиқ (n=4)			-	4 (2**/ 2***)				
4	2 томонлама нотўлиқ (n=3)							3 (2**/1***)	3 (- **/3***)
5	2 томонлама тўлиқ + нотўлиқ (n=37)							37 (11*/17**/ 9***)	37 (26*/9 **/ 2***)

*КА ёпиқ варианты

**КА ярим ёпиқ варианты

***КА очиқ варианты

Агар беморлар гуруҳини атлантда орқа суякли кўприкчанинг жойлашув вариантлари кесимида кўриб чиқсак, тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган маълумотлар ҳосил бўлади. 110 нафар текширилганларнинг 4 нафарида бир томонлама нотўлиқ (очиқ) аномалия, 3 нафарида икки томонлама нотўлиқ (очиқ) аномалия кузатилади. Аксарият текширилувчиларда камида битта тўлиқ даражадаги ёпиқ аномалия мавжуд: 40 нафар кишида 2 томонлама тўлиқ (ёпиқ) Киммерли аномалияси қайд этилган, 26 нафар киши бир томонлама тўлиқ (ёпиқ) аномалияга эга, 37 нафар кишида 2 томонлама аномалия кузатилган бўлиб, улардан бир томонида тўлиқ ёпиқ, иккинчи томонида эса очиқ Киммерли аномалияси аниқланган.

Биринчи бўйин умуртқасининг ёпиқ ҳалқаси атлантнинг 220 та текширилган томонларидан (ҳар бир беморда 2 томондан) 140 та ҳолатида

(Киммерлининг тўлиқ аномалияси), очик ҳалқаси (Киммерлининг нотўлиқ аномалияси) эса 50 та ҳолатда қайд этилган (5-жадвал).

5-жадвал

Вариантлар бўйича С1даги суякли ҳалқанинг жойлашуви тақсимоти

С1 нинг 1- томонлама суякли ҳалқаси				С1 нинг 2- томонлама суякли ҳалқаси			
ёпиқ		очик		ёпиқ		очик	
Ўнг томондан	Чап томондан	Ўнг томондан	Чап томондан	Ўнг томондан	Чап томондан	Ўнг томондан	Чап томондан
8	18	-	4	51	66	29	14

Ёшга оид белгилар бўйича тешикнинг жойлашув таҳлили унинг ҳар бир ёшга оид гуруҳда равон тақсимланишини, ёш ва ўрта ёшлиларда эса кўпроқ кузатилишини кўрсатди.

Биз компьютерли томография усулида аниқлаган Киммерли аномалияси типига мувофиқ равишда қуйидагиларга бўлинган:

1. *ponticulus posterior atlantis*, яъни атлантнинг бўғим ўсимтаси ва орқа ёйи орасида УА устидаги орқа кўприкча (100,0%);
2. *ponticulus lateralis atlantis* – атлантнинг бўғим ва кўндаланг ўсимталари орасида латерал кўприкча (9,1%).

Бундай бўлиниш, афтидан, орқа атлант-энса мембранасининг икки кесмага эга эканлиги билан боғлиқ бўлиб, улар УАнинг горизонтал қисмини икки қисмга: орқа атлант-энса мембранаси ва қаттиқ мия пардаси орасида жойлашган (перидурал) ички ҳамда атлантнинг кўндаланг ўсимтасидаги тешик билан орқа атлант-энса мембранаси орасида жойлашган ташқи қисмларга бўлади. Эҳтимол, шунинг учун мембрана ёки унинг қисмларини оссификациясида Киммерле аномалиясининг икки варианты юзага келади.

Орқа вариант *ponticulus posterior atlantis* асосан ёпиқ вариантда бўлган (75,3%). Очик вариант $>1/2$, яъни ярим ёпиқ вариант 15,8% ҳолатда, очик вариант $<1/2$ - в 8,9% ҳолатда қайд этилган.

Гумбазли тешикнинг параметрларини томография усулида баҳолаш шуни кўрсатдики, олд-орқа ўлчам ўнг томондан ўлчанганда $5,29 \pm 0,12$ мм га, чапдан - $5,62 \pm 0,14$ мм га; тешикнинг вертикал ўлчами ўнгдан - $3,35 \pm 0,09$ мм га, чапдан - $3,39 \pm 0,09$ мм га тенг бўлган. Атлантнинг суякли тешигини олд-орқа ўлчами аёлларда нисбатан кичикроқ ўлчамда бўлган, вертикал ўлчам ҳам кичикроқ бўлган, аммо чап томондаги ўлчамларнинг ўзгариб туриши қайд этилган. Томография усулида тешик майдонини ўлчаш шуни кўрсатдики, ўнг томондан ўлчанганда $14,02 \pm 0,65$ мм² ни, чап томондан ўлчанганда - $15,14 \pm 0,79$ мм² ни ташкил этган.

Биз ўтказган компьютерли томография тўлиқ ва нотўлиқ кўприкчани, ривожланишининг орқа ва латерал вариантларини, шунингдек Киммерли аномалиясида бир- ва икки томонлама ўзгаришлар табиатини фарқлашга имкон берди. Аниқланган КА асосан 2 томонлама локализацияли бўлган (72,7%). Бир томонлама аномалияда бўлгани каби, 2 томонлама аномалияда

